

**БАҲОР БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 1 март • № 9 (926)

**2013 йил – Обод турмуш йили**

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Обод турмуш тушунчаси азалдан, авваламбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қут-барака деган маънони англатади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам этмоқда.***

2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод турмуш йили” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳволни янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Халқимизга хос яшаш тарзи – маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни бекиёсдир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни

(Давоми 3-бетда).



## ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самаралар бераётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.***

“Обод турмуш йили” Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илғор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усулларини татбиқ этишни кенгайтириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар негизида илғор ташҳис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ва унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг тўғри овқатланиши ғоят муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ва бартараф этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, унни тўйинтириш, темир, фолий кислотаси ва А витаминини саплементация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамин комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиги мустаҳкамланади. Кўкрак сути билан боқиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий йилда туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни “Соғломлаштириш ҳафталиклари”ни ҳар ойда ўтказишни давом эттириш кўзда тутилмоқда. Ушбу тадбирлар давомида барча ҳудудлар, айниқса, чекка ва бориш қийин бўлган туманларда мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртларининг юқори малакали мутахассислари ва профессорлари хотин-қизлар ҳамда болаларни даволайди ва маслаҳатлар беради. Ўзбекистонда туғма ва ирсий нуқсонларни эрта аниқлашга ёрдам

(Давоми 2-бетда).

Расмий веб-сайтимиз: www.uzssgzt.uz * Электрон манзилимиз: info@uzssgzt.uz

# ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

бериш бўйича йўлга қўйилган аёллар ва чақалоқлар скрининг тизимини такомиллаштириш давом эттирилади.

2013 йилда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Соғлом она – соғлом бола" ва "Соғлом ёшлар" лойиҳалари амалга оширилади. Биринчи лойиҳанинг мақсади ўсмир қизларга тўғри овқатланиш, гигиена ва камқонликнинг олдини олиш соҳасида тиббий маълумотлар бериш, шунингдек, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни репродуктив саломатликни сақлаш, туғруққа тайёрланиш ва бир ёшгача бўлган болани парваришлаш масалалари бўйича хабардор қилишдан иборат. "Соғлом ёшлар" лойиҳаси эса ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва сил касаллигининг олдини олишга доир таълим услублари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўғил-қизлар "Соғлом ёшлар" ҳаракатига тренинг-семинарлар, маслаҳатлар бериш ва ёшлар ижтимоий акцияларини, жумладан, "Биз – соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!" республика ижодий танловини ўтказиш орқали кенг жалб этилади.

"Ҳаёт учун!" ассоциацияси ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шу жумладан, "Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафонини ва бошқа ижтимоий акцияларни ўтказиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Европа Иттифоқи/ЮНИСЕФнинг "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш. II босқич" қўшма лойиҳаси, ЮНФПА, Глобал фонд, KfW банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида меҳнат қилаётган 18 минг нафар тиббиёт ходими ўз малакасини оширади. 2013 йилда тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида болаларга ташҳис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ЖССТ/ЮНИСЕФнинг замонавий технологиялари ҳамда жаҳон стандартларини жорий этиш лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда оналар ва чақалоқлар ўлимини янада камайтириш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Жорий йилда касалликларнинг 70 фоизидан ортиғини ташкил қиладиган инфекция билан боғлиқ бўлмаган сурункали хасталикларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирларини кучайтириш соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишидир. Биринчи навбатда, бу чора-тадбирлар юрак касалликлари, инсульт, саратон, сурункали респиратор хасталиклари ва диабетни келтириб чиқарадиган сабаблар – спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш ҳаёт тарзи ва нотўғри овқатланишга қарши курашишга қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини – амбулатория-поликлиника хизмати ва 3200 қишлоқ врачлик пунктларидан таркиб топган тармоқни мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилади. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида аҳолига маслаҳат бериш ва ташҳис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҚВПлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мисол учун, "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҚВП, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифокори ва 12500 нафар ходимини сайёр курсларда ўқитиш режалаштирилган.

Мамлакатимиздаги энг яхши клиникалар мутахассислари иштирокида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" лойиҳасини амалга ошириш орқали энг чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган. Бу жараёнда 146 минг киши, шу жумладан, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсионерлар қамраб олинади. Бундан ташқари, йил давомида ҳар бир ҳудудда 200 мингдан ортиқ киши оммавий равишда чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади.

Шунингдек, дастурда аҳолининг юқори технологик ихтисослашган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, 2012 йилда кардиожарроҳлик бўлими ташкил этилган В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, кўз микрохирургияси ва урология марказида ўта мураккаб ва технологик даражадаги операцияларни ўтказиш қўлами янада кенгайтирилади. Ваҳоланки, бундай операциялар бугун дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам амалга оширилаётгани йўқ.

Соҳа мутахассисларининг касбга оид билимларини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси, Япония, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида мутахассисларимизнинг тажриба ошириши ташкил этилади.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудига карантин қилинадиган ва ўта хавфли инфекциялар кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмади. Аҳолини, айниқса болаларни эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ 2,5 миллион болани профилактик эмлаш режалаштирилмоқда. Вакциналарни сотиб олиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режасини, биринчи навбатда, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бундан ташқари, ичимлик суви ва очиқ сув ҳавзаларидаги сув сифатини мониторинг қилиш ҳамда уларнинг лаборатория назорати кучайтирилади, ичимлик суви сифатининг кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича санитария назорати тизими жорий этилади.

2013 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида 143 та тиббиёт объектини барпо этиш ва реконструкция қилиш, кунига 10145 кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасаларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Уларни ташҳис қўйиш ва даволаш бўйича жаҳон стандартларига мувофиқ жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда Инвестиция дастурига киритилган бешта инвестиция лойиҳаси асосида умумий қиймати 40,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш ва етказиб бериш режалаштирилган. Шу мақсадда хорижий шериклар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш давом эттирилади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳам аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган санатория муассасаларида жорий йилда минглаб фуқаролар – фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан банд ходимлар, кам таъминланган оилалардан хотин-қизлар, ёш оналар, ёш оилалар ўз соғлигини мустаҳкамлайди. Бу муассасаларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва уларда кўрсатилаётган соғломлаштириш хизматларини яхшилаш, айримларида эса капитал таъмирлаш ишларини бажариш чора-тадбирлари белгиланган.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ҳам алоҳида диққат марказида бўлади. Масалан, еттита болалар соғломлаштириш оромгоҳларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, қўшимча 3200 га яқин ўринлар ташкил этилди.

Шундай қилиб, "Обод турмуш йили" Давлат дастури соғлиқни сақлаш миллий тизими ва унинг барча йўналишларини янада ривожлантиришга доир кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Уларнинг амалга оширилиши эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини, демак, мамлакатимиз равнақини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

**ЎзА.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

*Наманган вилояти*

***Наманганда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган вилоят тиббиёт фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

# УСТУВОР ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Дастлаб мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи "Ватан равнақи, юрт тараққиёти ва эл фаровонлиги – бош мақсадимиз" видеофильми намойиш қилинди.

Йиғилишни очган Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов яхшилаш, шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, хизматлар тезкорлиги ва сифатини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар диққат марказида бўлмоғи лозим.

Кун тартибига киритилган



Юртбошимиз томонидан белгилаб борилган устувор йўналишлар, жумладан, тиббиётга оид фармон ва қарорларда қайд этилган вазифалар ижросини изчил таъминлаш борасида соҳа ходимлари олдида турган асосий вазифалар, шунингдек тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг истиқболли йўналишларига эътибор қаратди.

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида вилоятда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида вазирлик бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Исмоилов сўзга чиқди.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори Нур-



Вилоят ҳокими Баҳодир Юсупов кириш сўзида давлат ва ҳукумат томонидан соҳага қаратилаётган эътибор боис авваламбор аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси юксалиб бораётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси йўлида аҳолига, айниқса қишлоқ жойларда тиббий-санитария ёрдами сифати ва қулайлиги даражасини кўтариш, ихтисослаштирилган марказлар, шу жумладан онкологик ва сил касалликлари муассасалари фаолиятини тубдан

мат Отабеков вилоятда юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятни барқарорлаштириш юзасидан тиббий муассасалар томонидан ўтказилаётган тадбирларга изоҳ берди. Вазирликнинг етакчи мутахассиси Барно Одилова аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами хусусида ўз фикрмулоҳазаларини билдириб ўтди.

Йиғилишда вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий натижалар билан бир қаторда, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, муаммоларни бартараф этиш хусусида ҳам тўхталинди.

Барча кўрилган масалалар юзасидан йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдулла ҒОЗИЕВ.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

**2013 йил – Обод турмуш йили**

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

ўқитиш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этишга доир ваколатларини кенгайтириш масалалари батафсил тартибга солинган.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш таклиф этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзодини кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, жамоатчилик назорати амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизмлари очиб берилади.

Бундай янгича ёндашув мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ижтимоий шерикликда тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойларда ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада тўқсондан ортиқ бошқа қонунлар ва икки юзта қонуности ҳужжатларидан иборат самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, айни пайтгача юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни кўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади. Унда бундай мурожаатлар, чунончи, юридик шахслар мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ҳамда давлат грантлари асосида ўқиган ёшларнинг ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар яратиш, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Айни пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақланишига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда экология муаммолари глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада “Экологик назорат тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури – давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш таклиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

**ЎзА.**

**Семинар**

# ҲУШЁРЛИК ВА МАСЪУЛЛИК ЗАРУР

***Соғлиқни сақлаш вазирлигида Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 469-қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вазирлик ходимлари, тиббиёт муассасаларининг мутасадди раҳбарлари иштирок этди.***



Кун тартибидан ўрин олган асосий масала идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, тажрибали мутахассисларнинг фикрлари тингланди.

Семинарни очган Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида қонун ҳужжатларини қабул қилишга ваколатли давлат бошқарув органлари ва идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, бу борада амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар тегишли тузилмалар фаолияти янада самарали ташкил қилиниши, чунончи, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати яхшиланишига ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беришига хизмат қилмоқда.

Адлия вазирлиги Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бўлим бошлиғи М. Абдижалиев “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг идоравий норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятида вужудга келаётган муаммолар” мавзусидаги ахборотида ҳужжатлар қабул қилиш қоидаларига алоҳида тўхталди, бу борада айрим жойларда қўйилаётган хато ва камчиликларга ҳам эътибор қаратди. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятига яна бир бор урғу бериб ўтди.

Адлия вазирлиги Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси У. Сулаймонов вазирлик ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича ваколатлари, амал қилиш муддати, ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, тугатилиши лозим бўлган ҳужжатларга нисбатан тегишли таомиллар ўтказиш масалаларига эътибор қаратди.



Тадбир давомида барча вазирликлар қатори Соғлиқни сақлаш вазирлигида ҳам идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этишда йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида ҳам сўз борди.

Семинар иштирокчилари ўз фаолияти мисолида қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат этиб, малакали жавоб олишга муваффақ бўлишди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги юридик хизмат бошлиғи Бахтиёр Хажиханов тегишли қарор ижроси юзасидан тизимда олиб борилаётган ишларга атрофлича тўхталиб, зарур тавсиялар ҳам киритиб ўтди.

Қизғин баҳс ва мунозарага бой тарзда ўтган семинар, албатта, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни юритишда янада масъул бўлишга хизмат қилади.

**Ибодат СОАТОВА.**

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzssgzt.uz

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

***2013 йилнинг 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда сил касаллигининг олдини олишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – СИЛ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

Давра суҳбатига Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Олий суд вакиллари таклиф этилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахритдин Ражабов тадбирни очиб, кун тартибидаги масала моҳияти хусусида ахборот берди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Улуғбек Вафоев соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, соҳага оид қонунлар хусусида тўхталар экан, бугунги кунда айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати туғилаётганлигини айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, йиллар ўтган сайин қонун ҳужжатлари ҳам такомиллашиб боради, айримларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилади. Давр шиддат билан ривожланиши, инсонлар онги ва тафаккури ўсиши бу жараёнда тезроқ фаоллашади. Табиийки, амалдаги қонунчилик асосини янада бойитиш ва имкониятларини кенгайтириш зарурати юзага келиб, асосий эътибор инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилади.



Давра суҳбатида таъкидланганидек, жумладан, «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни давр тақозо этмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу борада, хусусан, сил касаллигига қарши хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, профилактика ишларини кучайтириш, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини шакллантириш масалалари алоҳида ўрин олган. Ҳозирги вақтда ушбу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, соҳага юқори малакали тиббий кадрларни тайёрлаш ва улар меҳнатини моддий рағбатлантириш бўйича бутунлай янгича тизим ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров «Ўзбекистонда сил касаллигининг бугунги кундаги эпидемиологик ҳолати, профилактикаси ҳамда ташкилий ва иқтисодий асослари» мавзусида маъруза қилди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳозирги вақтда сил касаллиги бўйича эпидемиологик кўрсаткичлар Марказий Осиё ва Россия давлатларидагига нисбатан 1,5 марта кам. Бироқ жаҳон миқёсида сил касаллиги жиддий тиббий ва ижтимоий муаммолардан бўлиб қолмоқда. Ушбу касаллик кенг кўламда ўсиши, унинг тузилмаси ёмонлашувига ижтимоий-иқтисодий, экологик ва демографик омиллар, миграция жараёнлари, ОИВ инфекцияли шахслар кўпайиши таъсир кўрсатаётир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, янги аниқланган сил касаллиги бўйича ўлим ҳолати ҳам юзага келган.

Тадбирда соҳадаги муаммолар ечимига ҳам тўхталинди. Чунончи, сил касаллигига қарши кураш давлат дастури ижроси доирасида беморлар ҳамда тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ишлари янада такомиллашиб бормоқда.

“Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигига ўн йилдан ортиқ вақт ўтган бўлиб, бугунги кунда сил касаллигининг келиб чиқиши, клиник кўринишларида ҳам кескин ўзгаришлар кузатилаётир. Мутахассислар томонидан амалга оширилаётган текшириш натижаларига кўра, биринчи марта касаллик аниқланган шахслар орасида ўзбошимчалик билан даволаниш тўхтатиб қўйилаётганлиги, беморларнинг кўпчилиги кейинчалик даволанишни давом эттиришдан қатъиян бош тортаётганлиги кузатилмоқда.

Давра суҳбати давомида амалдаги қонун ҳужжатларида силнинг юқумли шакли билан касалланган ва даволанишдан бош тортган беморларни стационарда ноихтиёрий тарзда даволаш, уларнинг ҳуқуқларини тартибга солувчи меъёрларни такомиллаштириш зарурати мавжудлигига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига ҳукумат томонидан “Сил касаллигининг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси киритилган. Айни пайтда ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал маъқулланган. Қонун лойиҳасида Фуқаролик процессуал кодекси ва “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, силнинг юқумли шакли билан касалланган беморларни даволаш, уларни силга қарши муассасанинг махсус бўлимига ноихтиёрий тарзда жойлаштиришнинг суд институтини яратиш назарда тутилмоқда.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, ушбу қонун лойиҳаси амалда ифода топиши сил касаллиги тарқалишига қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган барча ишлар янада такомиллашиши ҳамда мавжуд камчиликлар бартараф этилишига хизмат қилади, ўз ўрнида вужудга келган баъзи муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳам яратилади.

Давра суҳбати якуни бўйича қайд этилган қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

### Семинар

# МАТБУОТ УЧУН МАҲОРАТ МАКТАБИ

***Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан пойтахтимизда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларнинг роли ва ўрни” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.***

Тадбир бошида таъкидлаб ўтилганидек, навбатдаги семинарнинг асосий мақсади оммавий ахборот воситалари ходимларини республикамизда гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний олиб келиниши ва айланмасига қарши амалга оширилаётган мажмуавий чора-тадбирлар ҳамда ушбу соҳани тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништиришга қаратилган.

Журналистлар гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланмасини бартараф этишда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлиги масалалари бўйича батафсил маълумот олишди.




Мамлакатимизда гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланмасига қарши курашнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи, жумладан, “2011-2015 йилларга мўлжалланган гиёҳванд воситаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш мажмуавий чора-тадбирлар дастури” ижроси, шунингдек БМТнинг “Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам ахборот бериб ўтилди.

Семинар доирасида гиёҳвандликка қарши курашга доир долзарб масалаларни ёритишда журналистларнинг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятга эга материалларни тайёрлашда ОАВ вакиллари маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

# ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ

***Тери инсонга кўркамлик бағишлаш билан бирга саломатликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Организм ҳамда ташқи муҳитдаги ўзгаришлар эса терига салбий таъсир ўтказишини инобатга оладиган бўлсак, бу борада парвариш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.***

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилган навбатдаги ўқув-амалий конференция косметологияда даволашнинг замонавий ёндошувларига бағишланган бўлиб, тадбирда ушбу йўналишда фаолият юритаётган шифокорлар қатнашди.

Ҳозирги тезкор ва юқори технологик жараёнлар даврида косметология соҳасида ҳам эришилаётган янгидан-янги ютуқлар, жорий этилаётган усуллар ва тажрибадан ўтказилаётган дори воситалари айниқса аҳолининг бу борадаги билим ва кўникмаларини тўғри шакллантиришни талаб этмоқда.

– Дарҳақиқат, бугунги кунда турли тери касалликларига кўплаб кишилар дуч келади. Аянчлиси, бундай ҳолатда улар дастлаб ўзлари билганича, сўнг яқинлари кўрсатмалари билан иш тутади, – дейди “Сафо-тиббиёт” клиникаси шифокор-дерматологи Мухлиса Хўжаева. – Албатта, бу борада шифокорнинг самарали муолажаси энг мақбул тарғибот воситаси бўлиши мумкин. Шу боис косметологияда эришилган сўнгги ютуқлардан воқиф бўлиш ва тажриба алмашиш доимо кун тартибида бўлмоғи лозим. Назарий ва амалий машғулотларнинг аҳамияти шундадир. Шахсан мен машғулотлар давомида инсон организмида умумий курашувчанлик имкониятларини ошириш баробарида, хусусан, терининг ҳам турли хил касалликларга қарши иммунитетини кучайтириш, ташқи ва ички таъсирлар натижасида тери қаришининг олдини олиш борасида амалиётга жорий этилаётган янги илмий лойиҳалар хусусида янги маълумотларга эга бўлдим.

Конференцияда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида косметология ва дерматология йўналишлари бўйича фаолият юритаётган амалиётчилар ҳамда илмий ходимлар ўз маърузалари билан қатнашди. Тадбир сўнгида барча тингловчиларга сертификатлар топширилди.

**Диёра БОЗОРОВА.**

*Долзарб мавзу*

# ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

## *мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг муҳим омили*

***Сир эмас, бугун дунёни манфаатлар бошқармоқда. Инсоният чиндан ҳам нотинч ва таҳликали замонда яшамоқда. Башарият юксак орзу-умидлар билан қадам қўйган XXI асрда тинчлик ва осойишталикка қарши бош кўтараётган мафкуравий таҳдидлар ялпи хавфсизликка жиддий хатар солаётгани бор гап. Айниқса курраи заминни қайтадан бўлиб олиш илинжидаги манфаатлар кураши йўлида турли ғаразли ғоя ва кучлар тиним билмаётгани, ўта шафқатсиз, айёрона ва ёвуз усуллар қўлланаётгани бизни доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишга, сергакликка чорлайди.***

Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида шундай ёзади: "Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар".

Дарҳақиқат, бугунги давр шиддати, дунёнинг айрим давлатларидаги можароли ҳолатлар, қолаверса, халқаро миқёсдаги долзарб масалалар ва муаммолар замирида турли усул ва услублар, яширин ва ошкора тусдаги мафкуравий таҳдидлар турганлиги яхши аён. Бундай таҳдидлар асосан ахборот хуружларини уюштириш орқали тарқатилаётгани ҳам кўпчиликка маълум. Ҳозирги тезкор замонда ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусияти ахборотнинг энг қимматбаҳо товар сифатида экспорт қилинишида намоён бўлмоқда. Лекин бундай "товарлар" орасида бутун бошли бир миллатнинг хавфсизлигига тажовуз қиладиган, халқни ўзидан мосуво этишга қаратилган, мафкуравий жиҳатдан ғаразли ғоялар билан суғорилган ахборотлар ҳам талайгина. Бугунги асрда ривожланаётган давлатларга нисбатан ахборот хуружларини уюштиришда ҳам, юқорида айтганимиздек, информацион товарлар асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса мафкуравий таҳдидга йўналтирилган хуружларнинг ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган бегона қадриятларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалиб бормоқда. Булардан кўзланган мақсад, табиийки, айрим қора кучлар томонидан бошқа бир давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикка рахна солиш, тобора кучга кираётган давлатни ағдариш, тўғри йўлдан оғдиришдир. Халқнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртда, минтақада ўз манфаати, сиёсатини ўтказишдан иборатдир.

Бугун глобал ахборот маконига реал кўз билан қарайдиган бўлсак, жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, бу маънавий қадриятларимиз, баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ғоямизга мутлақо зид бўлган ахборотлар оқими кириб келаётганидир.

Ахборот соҳаси либераллашаётган бир пайтда узоқ ва яқин минтақалардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа кучлар ўз манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, аҳолига маънавий таҳдидлар орқали таъсир кўрсатиш, ҳали онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни чалғитиш йўлидаги ҳаракатларни кучайтираётгани сир эмас.

Шу боисдан ҳам ҳозирги глобаллашув жараёнлари ҳар биримиздан ҳушёр ва огоҳ бўлишни, мустақиллик йилларида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш бўйича амалга оширилган улкан ишларга осонликча эришилмаганини теран идрок этишни талаб қилади.

Ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб, айниқса глобал интернет тармоғи орқали турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегаралар очиб берилаётган бир пайтда баъзи бузғунчи кучлар бу имкониятлардан ўз мақсадлари йўлида мафкуравий қурол сифатида фойдаланаётганини ҳам ҳисобга олишимиз зарур. Демак, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган ҳозирги вазиятда мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамиятга моликдир. Шу нуқтаи назардан ёш авлод қалби ва онгида мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, фарзандларимиз дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар мазмун-моҳияти ва асл сабабларини чуқур ва тўғри англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз қатъий дунёқарашига эга бўлишига эришишимиз даркор. Ёшларимизни турли кўринишлардаги мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан, шунга қаратилган ахборот хуружларидан асраш, уларни мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда барча бирдек масъул эканини ҳам унутмаслиги лозим.

Таҳдидлар дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин олишдек улуғ стратегик мақсад йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизга нисбатан уюштирилаётганидан ҳам кўз юма олмаймиз. Шу ўринда Ўзбекистонда бундай мафкуравий ва маънавий хуружларга қарши кураш борасида ўзига хос тажриба тўпланганини ҳам эътироф этиш жоиз. Тажриба эса бир қатор стратегик омилларга таянади.

Биринчидан, бу жамиятни маънавий жиҳатдан юксалтириш омилидир. Тарихдан маълумки, замоннинг шафқатсиз синовларига қарши ўзининг юксак маънавияти ва маърифати билан жавоб берган миллат ҳеч қачон завол топмаган. Айнан маърифат миллатнинг замон билан ҳамнафас ҳаёт кечиришини таъминлаган, миллат тақдири учун хатарли вазиятларда айнан жамият қалқони вазифасини ўтаган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди".

Бу борада мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич ҳаётга жорий қилиниб, юксак ижобий самара бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлашимиз ўринли.

Энг аввало ушбу дастурнинг рўёби мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатиб, юксак тараққиёт сари ундаётганини қайд этиш лозим. Интеллектуал салоҳияти кучли инсон жамиятда ўз ўрнини тез топади ва турмушидан, тақдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди. Бу, ўз навбатида, уни бунёдкорлик фаолиятига чорлайди. Бугунги кунда биз ўз қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, имони бут, ҳаётда аниқ мақсади бўлган, мустақил фикрловчи эркин ва комил шахсни шакллантириш имкониятига эга бўлдик.

Мафкуравий таҳдидларга қарши курашдаги Ўзбекистон тажрибасининг иккинчи стратегик омили – бу ҳарбий соҳани мустаҳкамлашдир. Мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги қонунчилик тизими ўз ҳудуди, давлати ва халқини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилиш концепциясига асосланади. Ушбу жиҳатлар давлат мустақиллигини сақлаш, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳоли тинч ва осуда ҳаёт кечиришини таъминлаш, жамият хавфсизлигини муҳофаза қилиш каби омилларда яққол намоён бўлади. Шу маънода бизнинг энг замонавий армия ва Қуролли Кучларга эга бўлишимиз табиий ҳолдир.

Учинчи стратегик омил – иқтисодий ривожланишни таъминлашдир. Маълумки, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ иқтисодий тараққиётни таъминлаш масаласи хусусий секторни ривожлантириш концепцияси асосида олиб борилмоқда. Бугунги кунда мулкдорлар синфини шакллантириш йўли билан юксак иқтисодий барқарорликни қўлга киритиб келмоқдамиз. Шунинг учун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Тўртинчи стратегик омил – молиявий барқарорликка эришишдир. Бу дегани ялпи харажат ялпи даромаддан ортиб кетмаслиги, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан уч фоиздан, инфляция даражаси 6-8 фоиздан ошмаслигини таъминлаш демакдир. Бу борада ҳам юртимизда салмоқли ютуқлар қўлга киритиб келинаётгани барчага маълум.

Мафкуравий таҳдидларга қарши курашда асосий мақсадимиз жамият маънавиятини юксалтириш экан, биринчи навбатда, миллий ғояни фуқаролар онги ва қалбига чуқур сингдиришга эришишимиз керак. Аҳоли, айниқса ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун равишда тарғиб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман фуқаролар билими ва тафаккурини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишлари изчил амалга ошириб борилса, таҳдидлар бизга хавф сололмайди.

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

*(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).*

*Здоровое поколение – будущее страны*

# ПРИОРИТЕТ – ФИЗКУЛЬТУРЕ И СПОРТУ

***С первых дней независимости в нашей стране особое внимание уделяется вопросам охраны здоровья и гармоничного развития подрастающего поколения. Одним из важных моментов в этом направлении считается концептуальный подход к охране материнства и детства, подразумевающий создание всех необходимых условий для рождения и воспитания здорового поколения.***

В частности, повсеместно осуществляются оздоровительные мероприятия, направленные для достижения основной цели "Здоровая мать – здоровый ребенок". Обеспечение детского здоровья – исключительно многогранный вопрос. Главным в "строительстве" здоровья наших детей можно считать двигательное воспитание с самого раннего возраста, на основе современной методики индивидуализации подхода и нормирования нагрузки. Безусловно, одним из важнейших показателей является гармоничность развития ребенка, чему способствуют правильно организованное физическое воспитание и занятия спортом.

Реализация основных задач по формированию и укреплению здоровья подрастающего поколения в полной мере стала возможной в связи с принятием Указов Президента страны от 24 октября 2002 года "Об организации деятельности Фонда развития детского спорта" и от 29 августа 2004 года "О мерах по совершенствованию деятельности Фонда развития детского спорта Узбекистана".

В Каракалпакстане также осуществляется большая работа по реформированию здравоохранения, образования, спорта, усилению социальной защиты. Благодаря комплексному подходу достигаются весомые результаты в дальнейшем укреплении здоровья людей, особенно детей.

Если обратиться к цифрам, так, например, если в 2003 году в Каракалпакстане совершенно здоровые дети составляли 32,8 процента, то в 2012 году этот показатель достиг 47 процентов. II группа здоровья, т.е. дети с риском возникновения хронической патологии и склонные к повышенной заболеваемости, с наличием функциональных отклонений, часто болеющие или перенесшие одно тяжелое заболевание, составляла на сравнительный период 52,7 процента, спустя почти десять лет этот показатель снизился до 43,4 процента. Процентное соотношение детей с хронической патологией в состоянии компенсации, субкомпенсации и декомпенсации (III группа здоровья) снизилось почти на пять процентов.

Кроме того, заболеваемость учащихся острыми респираторными вирусными инфекциями сократилась на 30,3 процента, пневмонией – 47,6 процента, бронхитом – 34,2 процента, сколиозом – 27,8 процента. За последние девять лет рост мальчиков в возрасте 10-14 лет увеличился в среднем на 2,7 – 2,8 сантиметра, девочек – 2,6 – 3 сантиметра, а вес соответственно – на 3,7 и 4,2 кг у мальчиков, на 4,6 и 4,9 кг у девочек. При этом существенно возросла доля мальчиков и девочек, соответствующих стандартам ВОЗ.

Конечно же, мы не должны ограничиваться достигнутым. Необходимо ставить перед собой еще более высокие цели, проводить регулярную работу по достижению уровня развитых стран.

**Алима МАТКАРИМОВА,**
**главный врач детского многопрофильного медицинского центра Каракалпакстана.**

*Долзарб мавзу*

# КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1023-Қарорининг ижросини таъминлаш, шунинг баробарида ОИВ инфекцияси профилактика ва диагностикаси, беморларни даволаш ва парвариш қилиш, ОИВ инфекцияси ўчоғида эпидемияга қарши тадбирлар самарасини янада ошириш мақсадида республикамизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.***

Бугунги кунда мамлакатимизда ОИВ инфекцияси билан 24,1 мингдан зиёд киши яшайди. Шундай экан, бу касаллик келиб чиқиш сабаблари, юқиш йўллари, уни юқтириб олмаслик учун нималарга аҳамият бериш лозимлиги ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиб бориш соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири саналади.

Қуйида мавзуни савол-жавоблар орқали газетхонларга тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

**1. ОИВ инфекцияси нима ва ОИТС билан бир-биридан қандай фарқи бор?**

*ОИВ инфекцияси – клиник белгиларсиз вирус ташиб юрувчиликдан иммун тизимнинг оғир зарарланишигача олиб борадиган ва узоқ давом этувчи сурункали юқумли касаллик.*

*Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) – бу иккиламчи иммунитет танқислиги натижасида оппортунистик инфекциялар, хавфли ўсмалар ривожланиб, асаб тизимини издан чиқарувчи ОИВ инфекциясининг сўнгги (терминал) босқичи ҳисобланади.*

**2. Ушбу вируснинг нечта тури аниқланган?**

*Бугунги кунда вируснинг ОИВ-1 ва ОИВ-2 турлари маълум бўлиб, таркибий ва антиген хусусиятлари билан фарқланади. Дунёда ОИВ-1 кўп тарқалган. ОИВ-2га нисбатан биринчи тур патогенлиги юқори ҳисобланади. ОИВ-2 асосан Ғарбий Африка мамлакатлари аҳолиси орасида тарқалган.*

**3. Касаллик тўғрисидаги дастлабки хабарлар қачон пайдо бўлган?**

*Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми тўғрисидаги дастлабки хабарлар АҚШда рўйхатга олинган. 1981 йилда Лос-Анжелес ва Нью-йорклик гомосексуалистларда пневмоцист пневмониянинг беш ва Капоши саркомасининг 26 ҳолатлари аниқланган. Уларнинг кўпчилигида одамнинг иммунитет танқислиги вируси – ОИВ туфайли юзага келган Т-ҳужайралари иммунитет танқислиги аниқланди. Биринчи марта ОИВ инфекциясининг якуний босқичи таърифланди ва кейинчалик унга орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) деган ном берилди.*

*Одамнинг иммунитет танқислиги вируси 1983 йилда иккита лабораторияда мустақил равишда франциялик олим Люк Монтанье раҳбарлигидаги Пастер институти ва Роберт Галло раҳбарлигидаги АҚШдаги саратон касаллиги миллий институтида ажратиб олинди.*

**4. Вируснинг ҳаётий жараёни қандай кечади?**

*ОИВнинг ҳаётий цикли тўрт босқичдан иборат:*

*1) адсорбция ва эндоцитоз йўли билан вируснинг ҳужайрага кириши;*

*2) вирус РНКси асосида провирус ДНКнинг синтези ва унинг ҳужайра гени билан интеграцияси;*

*3) янги вирус оқсилларининг шаклланиши;*

*4) янгидан ҳосил бўлган (етилган) вирионлар ҳужайрадан қонга чиқиши.*

Вируснинг тўлиқ ҳаётий цикли жуда тез амалга ошади. Бир кунда миллионлаб янги вируслар шаклланади, шу сабабли вақт ўтиши билан организмда ОИВнинг янги ўзгарган вариантлари тўпланиши мумкин. Вируснинг ўзгарувчанлиги натижасида турли хусусият, жумладан, ретровирусларга қарши воситаларга чидамлилиги билан фарқланадиган штаммлари пайдо бўлиши мумкин. Вирус таъсирида CD4+ ҳужайралари доимий равишда зарарланиши оқибатида иммунтанқислик ҳолати ривожланиб боради.

**5. “Оппортунистик” инфекция нима?**

*Иммунтанқислик ривожланиши оқибатида шартли-патоген микроорганизмлар фаоллашиб, патогенлик хусусиятларини намоён қилади, натижада “оппортунистик” инфекцияларнинг клиник белгилари пайдо бўлади.*

*Иммунтанқисликнинг бир кўриниши сифатида суяк кўмигида ҳужайра шаклланишининг дастлабки босқичларида ривожланишдан тўхтаган ўзак ҳужайралар фаол кўпайиши мумкин. Ушбу ҳужайралар тўлиқ шаклланмаслиги организм учун ёт бўлган антиген мавжудлигини кўрсатади. Шаклланмаган ўзак ҳужайралар иммунтанқислик шароитида тўхтовсиз кўпаяди. Бундай ҳолат ОИВ инфекцияси юққан беморларда тез ривожланадиган ҳавфли ўсма касаллиги (Т-лимфомалар, Капоши саркомаси ва бошқалар) келиб чиқишига олиб келади.*

**6. Шахснинг ОИВ инфекциясини юқтириб олишга мойиллиги жинси ва ёшига боғлиқми?**

*ОИВ инфекцияси узоқ давом этувчи сурункали юқумли инфекциялар қаторига кирадиган антропоноз касалликдир. Шахснинг вирусни юқтириб олишга мойиллиги, унинг жинси ва ёшидан қатъи назар, бир хил ҳисобланади. Одам иммунтанқислик вирусини юқтириб олган шахслар инфекция манбаи ҳисобланади.*

**7. ОИВ инфекцияси қандай юқиши мумкин?**

*Ҳозирги вақтда ОИВ учта йўл билан юқиши тасдиқланган:*

*1) жинсий – ОИВ инфекцияли шахс билан жинсий алоқада бўлганда юқади;*

*2) парентерал – ОИВ мавжуд бўлган қон ва унинг компонентларини қуйганда, аъзо ва тўқималар трансплантациясида, экстракорпорал уруғлантириш ўтказилганда, бир марта ишлатиладиган тиббий асбоб ва анжомлардан қайта фойдаланганда, стерилланмаган тиббиёт анжомлари (гинекологик, стоматологик, жарроҳлик ва бошқалар)дан фойдаланилганда, шунингдек гиёҳванд моддани инъекция йўли билан қабул қилишда, бошқа шахс ишлатган воситалардан фойдаланганда юқиши мумкин;*

*3) вертикал – ОИВ инфекцияли онадан ҳомилага ҳомиладорлик даврида (пренатал), туғиш пайтида (интранатал) ва эмизишда (постнатал) юқади. Касалликнинг қон қолдиқлари мавжуд бўлган шахсий гигиена буюмлари (тиш чўткаси, соқол олиш анжоми, тери қоплами бутунлигини бузиб бажариладиган муолажалар учун ишлатиладиган, санчилувчи ва ўткир кесадиган буюмлар) орқали юқиши истисно қилинмайди.*

**8. Дунёда пандемияни тўхтатишга қандай омиллар имкон бермаяпти?**

*ОИВ инфекцияли бемор умрининг охиригача вирусни юқтириш хавфини сақлаб қолиши; вируснинг генетик ўзгарувчанлиги (мутация) туфайли дунё бўйича касалликнинг олдини олишга қодир, самарали вакцинация (эмдори) йўқлиги; касаллик асосан хулқ-атвори номаъқул шахслар орасида тарқалишига мойиллиги ва улар билан самарали ишлаш имкони қийинлиги; ОИВ инфекцияси тарқалишини бутунлай тўхтатиб қоладиган чора-тадбирларни дунё бўйича ишлаб чиқишнинг имкони бўлмаганлиги; касалликни чақирувчи вирусга самарали таъсир этувчи даволаш воситалари ҳозирча топилмаганлиги ушбу пандемияга қарши курашда тўсиқлик қилаётир.*

**Гулипар НОРМУРОТОВА,
Республика ОИТСга қарши кураш маркази врач-эпидемиологи.**

*(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).*

*Мутахассис маслаҳати*

# БОТУЛИЗМДАН САҚЛАНИНГ

***Қиш ва эрта баҳор фаслларида сифати кафолатланмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида овқатдан заҳарланиш – ботулизм касаллиги учраб туради. Бунинг сабаби оддий. Масалан, уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрланишида ҳар доим ҳам зарур технологик жараёнлар, санитария меъёрлари ва шахсий гигиена қоидаларига тўла риоя қилинмайди. Маҳсулотларни белгиланган ҳароратда сақлашга ҳам кўпинча эътибор берилмайди. Натижада консервадаги ботулизм споралари тез ривожланиб, заҳарли токсинлар чиқаради.***

Ботулизм споралари билан зарарланган консерва маҳсулотларининг ташқи кўриниши ва таъмида деярли ўзгариш кузатилмайди. Айрим ҳолатларда шиша идишнинг тунука қопқоғи шишади. Бундай маҳсулотни истеъмол қилиб, заҳарланган одамда касаллик белгилари пайдо бўлиш жараёни икки соатдан саккиз-ўн кунгача чўзилади. Ҳолсизлик, кўнгил айнаши, қусиш, қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, жисмлар кўзига иккита бўлиб кўриниши (диплопия), ютиш ва гапириш қобилияти пасайиши, бўйин ва оёқ мушаклари заифлашиши касалликнинг клиник белгиларидир.

Хонадон шароитида касалликни ўз билганича даволаш қатъиян ман этилади. Зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда касалликнинг оғир шакллари – юрак, қон-томир ва нафас тизими хасталиклари юзага келиши, натижада инсон ҳаёти хавф остида қолиши мумкин.

Ҳар қандай касалликлар каби, ботулизмнинг олдини олиш ҳам инсоннинг ўз қўлида. Бодринг, помидор, патиссон тузламаси, бақлажон қовурмаси каби консерва маҳсулотларини уй шароитида тайёрлашни тавсия қилмаймиз. Чунки зарур имкониятлар бўлмагани боис бундай консерва маҳсулотларининг сифатига ҳеч ким кафолат бермайди.

Сифат сертификати бўлмаган, бир сўз билан айтганда, истеъмол учун яроқсиз ҳисобланган консерва маҳсулотларини кўчакўйлар, ноқонуний савдо расталаридан харид қилмаслик керак.

Уй бекалари томонидан узум, шафтоли, ўрик каби мевалардан қиём ёки қоқи, бодринг, помидор, каромдан эса сирли идишларда тузламалар тайёрланса мақсадга мувофиқдир.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари томонидан тегишли давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда бозор ва савдо мажмуаларида, белгиланмаган жойларда бундай маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мунтазам текширувлар ўтказиб келинади. Таълим-тарбия муассасалари, жамоат жойларида фаолият юритаётган умумий овқатланиш шохобчаларида санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш масалалари ҳам доимий эътиборда.





Ўз навбатида, ишлаб чиқарувчиларимиз байрам дастурхонига хилма-хил маҳсулотлар етказиб бериш ниятида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Бугун қайси савдо мажмуаси ва бозорга кирманг, далаю боғларимиз меваларидан кўзингиз қувнайди. Технологик талабларга асосан ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотларининг ҳам барча турлари мавжуд.

Сотиб олинган ҳар бир маҳсулотни сақлаш шароити ва муддатига қатъий риоя этишни, шунингдек истеъмол учун яроқлилик муддати ўтиб кетган пишириқ ва салатлар соғлиққа зарар эканлигини унутманг.

**Нуриддин ТОШБОЕВ,
Республика ДСЭНМ бўлим мудири.**

*Миннатдорчилик*

# БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Аввало халқимиз саломатлигини ўйлаб, барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Президентимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бир неча йилдирки, турмуш ўртоғим Мунисахон Аъзамхўжаева қандли диабет касаллигидан азият чекади. Шу боис 2005 йилдан бери ҳудудимиздаги поликлиника ҳамда Бектемир туман тиббиёт бирлашмасининг меҳрибон ва ўз касбининг моҳир устаси бўлган тажрибали шифокору ҳамширалари томонидан назоратга олиниб, даволаниб келмоқда. Айниқса, Бектемир туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Шукур Алиев, кардиолог Дилором Маҳмудова, Эндокринолог Светлана Тен, кардиограмма бўйича мутахассис Шаҳлохон Эргашеваларнинг рафиқамга кўрсатиб келаётган тиббий хизматидан мамнунмиз.

Бектемир туман тиббиёт бирлашмасининг аҳил жамоасига дил изҳоримизни йўллаб, бахтимизга омон бўлинг дея, уларнинг ишларига ривож, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламиз.

**Аҳрорхон АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.**

## Вилоятдаги мухбирларимиз хабар қилади

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ





***Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш ишлари Обод турмуш йилида изчил давом эттирилмоқда.***

Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси қайта реконструкциядан чиқарилиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, ташҳис қўйиш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилди. Муассасанинг кўп тармоқли поликлиникасида кунига 300 нафар бемор қабул қилиш имконияти мавжуд. Бирлашма ва унинг тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида етмишга яқин шифокор ва 500 нафардан зиёд ҳамшира малакали хизмат кўрсатмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** *лаборантлар Гулчеҳра Каримова ва Қизларгул Султамуратова; шифокор Парахат Есимбетов ва ҳамшира Гулнора Алламбергенова.*

*Самарқанд вилояти*

# ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

***Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари, кўча ва хиёбонларда олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Маҳаллалар, меҳнат жамоаларида ҳашарлар уюштирилиб, юртдошларимиз ўз ҳовлиси, маҳалласи, корхонаси ва уларнинг атрофларини обод қилаётир.***

Бу жараёнда, айниқса, ҳар бир фуқаронинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига йигирма икки туп кўчат ўтқазиш ташаббуси халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Жойларда эзгу ниятлар билан янги боғлар ташкил этилаётир.

Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти Самарқанд филиали ходимлари ҳудудлар тупроқ ва иқлим шароитига мос мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирмоқда.

– Жорий йилги мавсумда 35 гектар майдонда йигирма хилдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, ўн турга яқин ток қаламчалари, бир неча хил гул ва бутасимон ўсимлик ниҳоллари етиштирилиб, экиш учун қарийб бир миллион туп кўчат тайёрлаб қўйилди, – дейди мазкур филиал директори Жамшид Аҳмаджонов. – Айни пайтда бу кўчатлар буюртма асосида вилоятимиз ҳамда Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятлари фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотларига етказиб берилмоқда.

Кейинги йилларда институт илмий ходимларининг изланишлари ҳамда хорижлик мутахассислар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик самарасида гилос, олма, нок, шафтолининг серҳосил ва эртапишар, экспортбоп навлари яратилди. "Самарқанд", "Сўғдиёна", "Малика", "Мотуридий" каби янги узум навларига нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам харидорлар кўпаймоқда. Озарбайжон ва туркиялик мутахассислар ушбу янги навларни ўз мамлакатларида синаб кўриш ҳамда кўпайтириш истагини билдирди. Шунингдек, бугунги кунда юртимизда кенг миқёсда ташкил этилаётган интенсив боғлар учун олма, шафтоли ҳамда бошқа меваларнинг пакана ва ярим пакана навли кўчатлари тайёрланмоқда. Хоризм парваришланаётган эллик мингдан зиёд ана шундай кўчатлар шу йилнинг куз ойларида буюртма асосида фермер хўжаликларига жўнатилади.

Филиалда, шунингдек, келгуси мавсум учун қўшимча йигирма гектар майдонда кўчат етиштириш чора-тадбирлари кўрилаётир.

*Фарғона вилояти*

# ДИСПАНСЕРГА – «ДАМАС»

***Фонд Форум ва "Ҳаёт учун" миллий уюшмаси томонидан Фарғона вилояти онкология диспансерига "Дамас" санитария автомашинаси ҳадя этилди.***

– Жамоамиз учун бу катта воқеадир, – дейди онкология диспансери бош шифокори Зулфия Исломбекова. – Энди аввалгидек туманларга бутун бригада бўлиб бир кунга эмас, балки ҳафта давомида қишлоқ аҳолисини тиббиёт кўригидан ўтказиш имкониятига эга бўлдик.

Бош шифокор ахборотига кўра, кўчма бригаданинг асосий мақсади касалликларнинг олдини олиш бўлиб, таркибига онколог, маммолог, гинеколог, жарроҳ, ультратовуш тадқиқоти бўйича мутахассислар киритилган. "Дамас" автомашинаси Фонд Форумнинг ушбу тиббиёт муассасасига илк туҳфаси эмас. Ўтган йили онкология диспансерига замонавий кардиомонитор, ультратовуш асбоби, жорий йил бошида ЭКГ, ФГДС ускуналари, жарроҳлик столи, бошқа турли тиббиёт жиҳозлари ҳам ажратилган эди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

*Бухоро вилояти*

# ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралда қабул қилинган "Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида"ги қарорида бу борадаги долзарб вазифалар белгиланган.***

Бухорода мазкур вазифалар ижросига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти қошидаги термитларга қарши курашиш маркази директори А. Ҳамроев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика дезинфекция станцияси бош шифокори Ш. Болтахўжаев ва бошқалар термитларнинг тарқалиши, зарари ва уларга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятининг Қоровулбозор шаҳри, Қоракўл, Шофиркон, Пешку ва Навоий вилоятининг Нурота, Конимех, Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор туманларида мазкур ҳашаротларга қарши амалга оширилаётган профилактик тадбирлар яхши самара бераётир. Шу билан бирга, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш зарур.

Семинарда термитларга қарши курашишда соғлиқни сақлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимлари, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаркатларини янада кучайтириш, аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

*Жиззах вилояти*

# ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

***Жиззах шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Республика ОИВ инфекцияси, сил ва безгак касалликларига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштирувчи тармоқлараро эксперт кенгаши билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди.***

Тадбирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакилларининг бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Давра суҳбатида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлаётгани таъкидланди. "Аср вабоси"дан ёшларни муҳофаза этишда профилактика тадбирлари, хусусан, таълим муассасалари, аҳоли яшаш масканларида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

– Вилоятимизда юқумли касалликларнинг олдини олишда тиббий муассасаларда яратилган шарт-шароитлар, мунтазам ўтказилаётган профилактика тадбирлари муҳим омил бўлаётир, – дейди вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори Илҳом Норбоев. – Айни вақтда вилоятда ОИТС маркази, бешта туманлараро лаборатория, ўн иккита ишонч хоналари ишлаб турибди. Бироқ бу ишлар самараси, аввало, одамларнинг онги, тушунчаси ва дунёқараши билан боғлиқ. Аҳоли бу хасталикнинг келиб чиқиши ва ундан сақланиш борасида қанчалик кенг маълумотга эга бўлса, унинг тарқалиш хавфи шунча камаяди. Шунинг учун жойларда профилактика тадбирларини янада кучайтириш, уларнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Анжуманда юқумли касалликларга қарши курашишда улардан хабардорлик муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Маҳаллалар, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, лицей ва мактабларда хасталикларнинг мудҳиш оқибатларини кўрсатиб берадиган видеофильмларни намойиш этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

*Тошкент вилояти*

# ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Мамлакатимизда ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари тарқатилишига қарши кураш ойлиги ўтказилмоқда.***

Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан мазкур ойлик доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тегишли идоралар билан ҳамкорликда маҳаллаларда, таълим муассасаларида наркотик моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилаётир.

Ёшларни огоҳликка чақирувчи ана шундай тадбирлардан бири Оққўрғон туманидаги агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ташкил этилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, ички ишлар идоралари ходимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда гиёҳвандлик – инсон саломатлигига жиддий хавф солувчи иллат экани, ёшларни унинг домига тушиб қолишдан асраш ҳамда гиёҳвандликка қарши курашишда ҳамкорликда иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

– Таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни етиштириш, сақлаш ва сотиш ҳам жиноят ҳисобланади, – дейди Оққўрғон тумани ички ишлар бўлими инспектори Комил Жумақулов. – Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга бағишланган бугунги тадбирда йигит-қизларга бу ҳақда ҳам тегишли маълумот берилди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

**ЎзА хабарлари ва суратларидан фойдаланилди.**



Мы ждали весну, настала она, цветами вокруг все одела.

### Благодарность

# СЛОВА ИСКРЕННЕЙ БЛАГОДАРНОСТИ

**С. Бекирова** выражает искреннюю признательность заведующей отделением НИИ гематологии и переливания крови Н. Ариповой, лечащему врачу Ф. Ризаевой, в их лице всему коллективу за заботу и внимание к ее ребенку. Как оказалось, при поступлении в клинику НИИ состояние сына С. Бекировой диагностировалось как тяжелое, но благодаря грамотности специалистов, лечению по программе БФМ-2002 его удалось спасти, и сегодня он вновь радуется окружающему миру.

**А. Леоничев** благодарит медперсонал хирургического отделения торокообдаминальной онкологии Ташкентского городского онкодиспансера, где его жене С. Леоничевой провели сложнейшую операцию. Больная быстро пошла на поправку и восстановила силы благодаря профессионализму и доброму сердцу заведующего отделением Р. Давыдова и лечащего врача О. Мухамедаминова, а также медсестер отделения.

### Медицинские учреждения страны

# ЗАБОТА О ЛЮДЯХ – НАШ ДОЛГ

***Разработанная в нашей стране под руководством главы государства программа по коренному улучшению системы охраны здоровья граждан, повышению качества медицинской помощи дает весомые результаты. В частности, сокращение в разы материнской и детской смертности является высоким достижением врачей Узбекистана.***

Посильный вклад в укрепление здоровья населения вносит и коллектив семейной поликлиники № 59 Яккасарайского района столицы. Квалифицированную помощь получают жители восьми махаллей, студенты Ташкентского института легкой и текстильной промышленности, девять дошкольных образовательных учреждений, семь школ, три колледжа и два лицея.

– В поликлинике установлено самое современное диагностическое и лабораторное оборудование, – рассказывает главный врач семейной поликлиники Рано Насырова. – Наша поликлиника рассчитана на четыреста посещений в смену. Здесь созданы все условия для приема больных. В каждом кабинете есть возможности для проведения комплексного медицинского осмотра, диагностики. Персонал специалистов постоянно повышает свою квалификацию в Ташкентском институте усовершенствования врачей. Врачи среди населения проводят беседы по предупреждению наиболее опасных заболеваний, профилактике инфекционных заболеваний, о проблемах ранних, поздних и родственных браков. На каждую семью заведен медицинский паспорт, куда вносятся все сведения о здоровье членов семьи.

Большое внимание в семейной поликлинике оказывается женщинам фертильного возраста. Они в обязательном порядке проходят диспансеризацию, наблюдаются во время беременности и после родов. Дети до года ежемесячно проходят осмотр, получают плановые прививки. Под постоянным наблюдением территориальных врачей общей практики находятся ветераны войны, пенсионеры, одинокие. При необходимости им выписываются рецепты на льготное получение лекарств, присылается на дом медсестра для взятия анализов. Все манипуляции бесплатные. Кроме того, каждую вторую неделю месяца проводится общая диспансеризация населения микрорайона с привлечением специалистов из диспансеров района и города.

Многолетний стаж работы, высокая квалификация, неподдельная забота о каждом отличают врачей семейной поликлиники Лолу Абдумуминову, Дильрабо Ходжимуратову, медсестер Мухаббат Юсупову, Хурсаной Аскарову и многих других.

Стоит отметить и то, что администрация систематически занимается вопросами создания благоприятных условий сотрудникам поликлиники. Для активного отдыха персонала создана комната отдыха. В центре внимания находятся вопросы проведения культурно-массовых мероприятий, приобщения работников к массовым видам спорта. На эти цели в прошлом году было выделено 230 тысяч сумов. За последнее время сорок работников поликлиники побывали в Самарканде и Бухаре.

Все это лишь часть той огромной работы, выполнение которой коллектив семейной поликлиники № 59 считает не просто функциональной обязанностью, а прежде всего долгом.

**Инна КОГАН.**

### Қутлов

# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ АЛБАТТА РАҒБАТ ТОПАДИ

Албатта, четдан қараганда, нима учун бу инсон "Ҳаракатдаги статистика" номини олганига кўпчилик тушунмаслиги табиий. Аммо қайси бир тиббиёт ходимидан бу ҳақда сўраманг, сизга лўнда жавоб қайтаради: "Олим Жабборовични ким билмайди эмас, ҳамма билади..."

Дарҳақиқат, Республика саломатлик ва тиббий статистика институтида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган Олим Жабборович Магдалиев мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида яхши танилган инсон.

Ушбу муҳим ижтимоий соҳани ҳам бугунги кунда рақамларсиз, яъни статистик маълумотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳақда бирон-бир аниқ рақам керак бўлса, шифокору тизимдаги бошқа ходимлар ҳам фақат ва фақат Олим Жабборовичга мурожаат қилишга одатланган. Биладики, бу инсон қоғозга қарамасдан ҳам тўғри жавоб бера олади.

Ёшлигидан математикага алоҳида ихлос қўйган Олим Магдалиев вақти келиб ижтимоий йўналишда фаолият юритишини ўйламаган, албатта. Бироқ буни тасодиф ҳам деб бўлмайди.

Мана деярли ўн йил давомида Олим Магдалиев ўз касбига садоқат ила Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ва тузилмалари бўйича статистик маълумотларни қабул қилиш, жамлаш, қайта ишлаш ва кўрсаткичларни ҳисоблашда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ва ҳудудий бўлинмалар ходимларига статистик маълумотлар негизини шакллантириш борасида мураббийлик ҳам қилади. Унинг самарали меҳнати муносиб рағбат топиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Шу кунларда Олим Жабборович Магдалиев 60 йиллигини нишонламоқда. Баҳорнинг илк кунларида устозимиз ва ҳамкасбимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оилаларида нурафшон кунлар бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоалари.**

### Ижтимоий ҳимоя

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

***Деҳқонобод туманлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан турли сабабларга кўра жисмоний имконияти чекланиб қолган фуқароларни иш фаолиятига қайтариш мақсадида реабилитация муолажалари олиб борилмоқда.***

Меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ тарғибот ишлари кучайтирилгани боис, чунончи, ўтган йилда бирламчи, шунингдек қайта рўйхатга олинган жисмоний имконияти чекланган шахслар сони сезиларли камайган. Бундан ташқари, ТМЭК назорат кўриги орқали 323 нафар фуқаронинг ногиронлик гуруҳи бекор қилинди, 141 таси енгиллаштирилган гуруҳга ўтказилди.

Тиббиёт бирлашмалари, пенсия жамғармаси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда жисмоний имконияти чекланган шахсларга тиббий, касбий тавсиялар бериб борилмоқда.

**Чори НУРТАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманлараро 33-ТМЭК раиси.**

# ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

***Халқимизда касални даволагандан кўра, олдини олган афзал, деган иборадан кўп фойдаланилади. Саломатлигимиз ўз қўлимизда дейилиши ҳам бежиз эмас.***

Бу борада, шубҳасиз, шифокорларнинг ўрни бўлакча бўлсада, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Жисмоний имконияти чекланган шахсларни даволаш услубларини такомиллаштириш, диспансер назоратини талаб даражасига қўйиш, умуман, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ушбу соҳа мутахассислари томонидан изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистонда ногиронликни камайтириш йўналишидаги ишларда анча изчилликка эришилди. Бу борада айникса реабилитация жараёнлари самарали кечмоқда.

Туманларда касалланиш ва ногиронлик аҳволини доимий ва чуқур таҳлил қилиш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Айникса йўналишга оид илмий-амалий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш анъанага айланган.

**Гулмирза ЙЎЛДОШОВ,**
**Хўжайли туманлараро 6-ТМЭК раиси.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 9515 нусха.
Буюртма Г-345.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.